

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**2013 — 2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг  
мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш ва сув ресурсларидан  
оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида**

*(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 17-сон, 223-модда)*

Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, мелиорация ва ирригация объектлари тармоғини ривожлантириш, сув ресурсларидан оқилона ва тежамкорлик билан фойдаланиш, бунинг асосида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг барқарор ишлашини таъминлаш, ерларнинг унумдорлигини ошириш ҳамда қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини кўпайтириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда ишлаб чиқилган куйидагиларни ўз ичига олган 2013 — 2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш Давлат дастури маъқуллансин:

2013 — 2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар комплекси 1-иловага\* мувофиқ;

*\*1-илова рус тилидаги матнда берилган.*

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган 2013 — 2017 йиллар даврида суғориладиган ерларни мелиоратив яхшилаш бўйича ишларнинг прогноз параметрлари 2-иловага\* мувофиқ;

*\*2-илова рус тилидаги матнда берилган.*

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан марказлаштирилган инвестициялар ҳисобига молиялаштириладиган 2013 — 2017 йиллар даврида ирригация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш прогноз параметрлари 3-иловага\* мувофиқ;

*\*3-илова рус тилидаги матнда берилган.*

сув истеъмолчилари ва фермер хўжаликлари уюшмаларининг маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган 2013 — 2017 йиллар даврида суғориш тармоқларини таъмирлаш ва тиклаш прогноз параметрлари 4-иловага\* мувофиқ;

*\*4-илова рус тилидаги матнда берилган.*

қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг кредит маблағлари ва ўз маблағлари ҳисобидан 2013 — 2017 йиллар даврида томчилатиб суғориш тизимини жорий этишнинг прогноз параметрлари 5-иловага\* мувофиқ.

*\*5-илова рус тилидаги матнда берилган.*

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари бир ой муддатда 2013 — 2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланишнинг ҳудудий дастурларини ишлаб чиқсин ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасини бошқариш департаменти билан келишилган ҳолда тасдиқласин.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, бошқа ижрочи вазирликлар ҳамда идоралар раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва туманлар ҳокимлари зиммасига мазкур қарор билан тасдиқланган суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланишнинг Давлат дастури ҳамда ҳудудий дастурларини сифатли ва ўз вақтида амалга ошириш юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети ва Инвестиция дастурининг ҳар йиллик лойиҳаларини шакллантиришда 2013 — 2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланишнинг Давлат дастурига киритилган чора-тадбирларни амалга ошириш учун белгиланган тартибда маблағлар ажратишни назарда тутсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Қурилаётган корхоналар бирлашган дирекцияларининг ваколатлари ва вазифаларини кенгайтириш зарур деб ҳисоблансин ва уларнинг зиммасига давлат капитал қўйилмалари ҳисобидан амалга ошириладиган ирригация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш, туманлараро ва хўжаликлараро коллекторлар ҳамда бошқа мелиорация объектларини таъмирлаш ва тиклаш бўйича буюртмачи вазифалари юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда икки ой муддатда ушбу ўзгаришлар амалга оширилишини таъминласин, ваколатлар ва вазифаларни аниқ белгилаган ҳолда Қурилаётган корхоналар бирлашган дирекцияси тўғрисидаги намунавий низомни ўрнатилган тартибда тасдиқласин, уларга юклатилган вазифалар ва минтақа ерларининг мелиоратив ҳолатини ҳисобга олган ҳолда унинг тузилмаси ва ходимлар сонини тартибга солсин.

5. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2013 йилнинг 1 майидан бошлаб мева-сабзавотчилик, узумчилик ва полиз маҳсулотларини етиштириш учун ер участкаларини бериш бўйича ижро этувчи ҳокимият органлари билан қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчилари ўртасида тузиладиган ижара шартномаларида, қоида тариқасида, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари томонидан томчилатиб суғориш тизимини ва сув тежайдиган бошқа суғориш технологияларини жорий этиш бўйича инвестиция мажбуриятларини олиш назарда тутилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги бир ой муддатда 2013-2014 йилларда, тажриба тариқасида, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари томонидан томчилатиб суғориш тизими жорий этилишини рағбатлантириш механизми бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасини бошқариш департаменти бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони 38 нафардан иборат бўлган янгиланган тузилмаси 6-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин, унинг таркибида мелиорация ишларининг сифати устидан жойларда техник назорат ўрнатиш, уларнинг белгиланган нормативлар ва лойиҳа параметрларига мувофиқлиги, шунингдек бажарилган ишларнинг ҳажмларини назорат тартибида ўлчашни таъминлайдиган мелиорация ишларини техник кузатиб бориш минтақавий гуруҳларини ташкил этиш назарда тутилсин.

\*6-илова рус тилидаги матнда берилган.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси Кенгаши (Ш.М. Мирзиёев):

суғориладиган ерларни мелиоратив яхшилаш ва сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш бўйича лойиҳаларнинг ҳар йилги рўйхати шакллантирилиши ва тасдиқланишини, зарур ҳолларда, мазкур қарор билан тасдиқланган Давлат дастурида назарда тутилган умумий параметрлар доирасида уларга йил давомида ўзгартиш ва қўшимчалар киритилишини;

Давлат дастурининг тасдиқланган параметрлари амалга оширилиши тўғрисида давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият ҳамда бошқа ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботларини ҳар чоракда тинглаган ҳолда, Давлат дастурида назарда тутилган чора-тадбирларни амалда рўёбга чиқариш бўйича фаолияти самарали мониторинг қилиниши ва мувофиқлаштирилишини таъминласин.

Давлат дастурининг тасдиқланган параметрлари амалга оширилиши тўғрисида давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият ҳамда бошқа ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботларини ҳар чорақда тинглаган ҳолда, Давлат дастурида назарда тутилган чора-тадбирларни амалда рўёбга чиқариш бўйича фаолияти самарали мониторинг қилиниши ва мувофиқлаштирилишини таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2007 йил 31 октябрдаги ПҚ-718-сонли [қарорига](#) ўзгартиш ва қўшимчалар [7-иловага](#) мувофиқ киритилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

11. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2013 йил 19 апрель,  
ПҚ-1958-сон.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 19 апрелдаги ПҚ-1958-сонли [қарорига](#)  
7-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2007 йил 31 октябрдаги ПҚ-718-сонли [қарорига](#) киритиладиган ўзгартиш ва қўшимчалар**

1. 1-бандининг [учинчи хатбоши](#) ва қарорнинг [1-иловаси](#) чиқариб ташлансин.
2. [3-бандидаги](#) «Х. Сулаймонова кўчаси» сўзлари «Истиклол кўчаси» сўзлари билан алмаштирилсин.
3. [2-иловасида](#):
  - а) [иккинчи хатбошидаги](#) «Бош вазирининг ўринбосари» сўзлари «Бош вазирининг биринчи ўринбосари» сўзлари билан алмаштирилсин;
  - б) [ўн тўққизинчи хатбошидаги](#) «САНИИРИ ИИЧБ бош директори» сўзлари «Тошкент ирригация ва мелиорация институти қошидаги Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти директори» сўзлари билан алмаштирилсин.
4. [3-иловада](#):
  - а) [5-банди](#):  
[иккинчи хатбоши](#) қуйидаги таҳрирда баён этилсин:  
«суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат дастурлари доирасида магистрал (вилоятлараро), туманлараро, хўжаликлараро очик коллекторлар ва улардаги иншоотларни, ёпиқ горизонтал дренаж шохобчаларини, вертикал дренаж кудукларини, мелиоратив насос станциялари ҳамда кузатиш тармоқларини куриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва тозалаш ишларини ўтказишга»;  
[учинчи хатбошидаги](#) «давлат дастурига» сўзлари «давлат дастурларига» сўзлари билан алмаштирилсин.
  - б) [6-бандидаги](#) «Х. Сулаймонова кўчаси» сўзлари «Истиклол кўчаси» сўзлари билан алмаштирилсин.
  - в) [8-банди](#) қуйидаги таҳрирда баён этилсин:  
«8. Жамғарма ўз зиммасига юклатилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда қуйидаги функцияларни бажаради:

консолидация қилинган Давлат бюджети лойиҳасига киритиш учун даромадлар ва харажатларнинг ҳар йилги баланслари лойиҳаларини ишлаб чиқиб, белгиланган тартибда ва муддатларда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим этади;

Жамғарма бўйича келгуси йилнинг ҳар бир чоракларига тақсимланган харажатларининг тасдиқланган параметрини Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига ва вилоят ҳокимликларига етказди;

Жамғарма даромадлари ва харажатлари ҳисобини юритади;

мелиоратив объектларини қуриш ва реконструкция қилиш учун лойиҳалаш ҳужжатларини ишлаб чиқиш, инвестиция лойиҳаларини, жумладан, хорижий инвестицияларни жалб этган ҳолда амалга ошириш юзасидан техник топшириқларни беради ва тасдиқлайди;

мелиоратив объектларни лойиҳалаш, қурилиш, реконструкция қилиш, шунингдек магистрал коллекторларни таъмирлаш ва тиклаш бўйича лойиҳалаш ва тендер ҳужжатларини белгиланган тартибда экспертизадан ўтказишни ташкил этади;

мелиоратив объектларни қуриш ва реконструкция қилиш, шунингдек магистрал коллекторларни таъмирлаш ва тиклаш бўйича аниқ манзилли рўйхатларни тузади ва белгиланган тартибда тегишли идораларга тасдиқлаш учун киритади;

мелиоратив объектларни реконструкция қилиш ва қуриш бўйича лойиҳа-қидирув ишлари, шунингдек тегишли илмий-тадқиқот ишларининг аниқ манзилли рўйхатларини белгиланган тартибда тасдиқлайди;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Қурилаётган корхоналар бирлашган дирекциялари (кейинги ўринларда— ҚКБД) тақдимномаси бўйича мелиоратив объектларда таъмирлаш-тиклаш ишларининг харажатлар сметаси ва манзилли дастурларини келишиб олади;

ҚКБД тақдимномаси бўйича авария-тиклаш ишлари учун, шунингдек мелиоратив объектларни кўзда тутилмаган ҳолда таъмирлаш ва тиклаш ишлари учун захира харажатлари сметаларини тасдиқлайди;

мелиоратив объектларни реконструкция қилиш ва қуриш, магистрал (вилоятлараро) коллекторларни таъмирлаш-тиклаш бўйича буюртмачи вазифасини бажаради;

ҚКБД буюртмачи бўлган мелиоратив объектларнинг таъмирлаш-тиклаш ишларини молиялаштиради, шунингдек қайтариб бериш шарти билан мелиорация техникаси, машина ва механизмларни сотиб олади;

туманлараро ва хўжаликлараро мелиоратив объектларда таъмирлаш-тиклаш, лойиҳа-қидирув ишларини ўтказиш бўйича ҚКБД буюртмачи вазифасини бажариши устидан назорат олиб боради;

мелиоратив объектларни реконструкция қилиш ва қуриш, шунингдек магистрал коллекторларда таъмирлаш-тиклаш ишларини амалга ошириш бўйича тендер (танлов) савдоларини белгиланган тартибда ўтказди, танлов савдолари ғолиблари билан белгиланган тартибда шартномалар тузади;

туманлараро ва хўжаликлараро мелиоратив объектларда таъмирлаш-тиклаш ишлари бўйича ҚКБД томонидан ташкил этиладиган тендер (танлов) савдоларида белгиланган тартибда қатнашади;

мелиоратив объектларни реконструкция қилиш ва қуриш, таъмирлаш ва тиклаш, мелиорация техникасини сотиб олиш устидан молиявий назоратни амалга оширади;

магистрал (вилоятлараро) мелиоратив объектларни реконструкция қилиш, қуриш ва таъмирлаш-тиклаш ишлари устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек уларнинг белгиланган тартибда қабул қилиб олишларини таъминлайди;

туманлараро ва хўжаликлараро мелиоратив объектларни таъмирлаш ва тиклаш, шунингдек уларни қабул қилиб олиш ишлари устидан техник назоратни амалга оширишда қатнашади;

Жамғарма маблағларининг мақсадли ва самарали сарфланиши устидан белгиланган тартибда назоратни амалга оширади;

Жамғарма маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланилиши масалалари бўйича назорат ўлчовларини, шунингдек корхоналар ва ташкилотлар фаолиятини хужжатлар асосида текшириб, тафтишларни мунтазам равишда ўтказиб туради;

Жамғарма маблағларидан фойдаланиш бўйича текширишларда аниқланган қонун бузилишлари ва камчиликларни бартараф этиш, шунингдек қонун хужжатларида назарда тутилган тегишли санкцияларни ўрнатилган тартибда белгилаш бўйича таклифлар киритади;

Жамғарма даромадлари ва харажатлари бўйича норматив-ҳуқуқий хужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқади ва тегишли органларга тасдиқлаш учун киритади;

аниқ манзилли рўйхатларга киритилган мелиоратив объектларда бажарилган ишларни белгиланган тартибда молиялаштиради»;

г) 9-банд куйидаги мазмунда еттинчи банд билан тўлдирилсин:

«Ўзмелиомашлизинг» Давлат лизинг компаниясидан — мелиорация техникаси, машина ва механизмларни харид қилишга ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланиш бўйича маълумотларни»;

еттинчи-саккизинчи хатбошилар тегишли равишда саккизинчи-тўққизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

д) 12-бандда:

бешинчи хатбошидаги «мелиорация экспедициялари» сўзлари «Қурилаётган корхоналар бирлашган дирекциялари», бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар» сўзлари билан алмаштирилсин;

куйидаги мазмунда олтинчи хатбоши билан тўлдирилсин;

«инвестиция дастурига киритилган объектларнинг устуворлиги ва лойиҳа-смета хужжатларининг тайёрлигидан келиб чиққан ҳолда, тасдиқланган лимитлар доирасида, ирригация-мелиорация объектларининг рўйхати ва прогноз параметрларига ўзгартишлар киритади»;

олтинчи-еттинчи хатбошилар еттинчи-саккизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

е) 13-банднинг иккинчи хатбошидаги «Жамғарма маблағлари» сўзлари «Ўзмелиомашлизинг» ДЛК томонидан берилган қарз маблағлари бўйича маржа тарзида олинадиган Жамғарма даромадлари» сўзлари билан алмаштирилсин.